

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН ЭҲТИЁТ ШАРТ СУҒУРТАЛАШ ШАРТЛАРИ

1. Мазкур Суғурта полисига мувофиқ, Суғурталанган шахс, бахтсиз ҳодисадан, яъни унинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда беҳосдан, қисқа вақт ичида ташқаридан инсон танасига таъсир этиб шикастловчи, баъзи хасталикка ва (ёки) ўлимга олиб келувчи ҳодисалардан суғурталанган ҳисобланади. Суғурта полисида шартлашилган ва қуйидаги оқибатларга олиб келган бахтсиз ҳодисалар суғурта ҳодисалари сифатида тан олинади:

- Суғурталанган шахснинг шикастланиши ва/ёки соғлиғининг издан чиқиши;
- Суғурталанган шахснинг меҳнат қобилияти вақтинча йўқотилиши;
- Суғурталанган шахснинг қаттиқ шикастланиши (ногиронлик);
- Суғурталанган шахснинг ўлими.

2. Мазкур Суғурта полисининг 1-бандида келтирилган ҳодисалар қуйидаги ҳолларда суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмайди:

2.1. Агар улар қуйидагиларнинг бевосита ёки билвосита натижасида рўй берган бўлса:

а) ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилинган ёки эълон қилинмаганлигидан қатъи назар), террористик ҳаракатлар, фуқаролик уруши, инқилоб, қўзғолон ва ғалаёнлар, шунингдек ички тартибсизликлар (митинглар, қўзғолон, иш ташлаш, намойишлар);

б) табиий фалокатлар, ядровий портлаш, ва ҳ.к.;

в) ҳар қандай непрофессионал ёки профессионал спорт ва спорт қуроллари ишлатиладиган ўйинлар билан шуғулланиш (машқ қилиш, кўргазмалар чиқишлар, йиғилишлар ва ҳоказолар) билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларда қатнашиш, турли учаш аппаратларидан фойдаланиш, парашютда сакраш, тоғ чанғиси ва альпинизм билан шуғулланиш, соғлиқ ва ҳаёт учун бевосита жуда хавфли бўлган бошқа тадбирларда қатнашиш.

2.2. Ёки қуйидаги сабабли рўй берган бўлса:

а) эпидемия;

б) бахтсиз ҳодиса вақтида суғурталанган шахснинг спиртли ичимлик, наркотик ёки токсик моддалар таъсиридан маст ҳолатда бўлганлиги, транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарганлиги ёки спиртли ичимлик, наркотик ёки токсик моддалар таъсирида маст ҳолатда бўлган шахсга транспорт воситаси бошқарувини берганлигини;

в) ўз жонига қасд ёки суиқасд қилганлиги;

г) суғурталанган шахснинг ҳаракатлари (бу ҳаракатларда тергов органлари ёки суд томонидан атайлаб ҳуқуқбузарликка йўл қўйиш белгилари аниқланган бўлса);

д) майда безорилик ёки муштрашиш (агар суд ёки тергов органи қарорига кўра суғурталанган шахс унинг ташаббускори бўлганлиги аниқланган бўлса); суғурталанган шахснинг фуқаролик бурчини бажариши, ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, ор-номусини ва обрўсини ҳимоя қилиши билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан можаро бундан мустасно);

е) жароҳат асоратларини даволаш билан боғлиқ бўлмаган ташхис, даволаш ва профилактика (дориларни инъекцияси билан бирга) тадбирларининг салбий оқибатлари;

ж) техника хавфсизлиги меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва саноат санитария меъёрларининг қўпол бузилиши;

з) Суғурта полиси берилаётган вақтда суғурталанган шахсда мавжуд бўлган юрак-қон томир тизими, диабет ва асаб касалликларининг зўрайиши ёки ҳуруж қилиши;

и) инфаркт (инфаркт ҳеч қачон бахтсиз ҳодисанинг натижаси деб ҳисобланмайди).

3. Шунингдек, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс (наф олувчи) қуйидаги ҳаракатларни содир этганида суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди ва у бўйича тўловлар амалга оширилмайди:

а) бахтсиз ҳодиса юз берганлиги ҳақида хабар суғурталовчига ўз вақтида етказилмаса;

б) суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини ҳамда унинг оқибати билан ҳодиса ўртасида сабабий боғланишни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотлар тақдим этилмаса, ёки атайлаб ёлғон далиллар тақдим этилса;

в) суғурталовчига ваколатли бўлган шифокор экспертнинг жабрланган шахсни кўздан кечириши учун имконият яратиш чоралари кўрилмаса.

4. Барча турдаги касалликлар, жумладан юқумли касалликлар (ВИЧ-инфекция, СПИД, ҳар қандай тери ва таносил касалликлари), шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини ёки доривор препаратларни истеъмол қилиш натижасида юзага келган ҳасталиклар бахтсиз ҳодиса деб ҳисобланмайди.

5. Суғурталовчининг мажбурият чегараси суғурта пули миқдорида белгиланади.

6. Суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи, суғурталанган шахснинг соғлиғига бахтсиз ҳодиса натижасида зарар етказилган ҳолларда суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, воқеа содир бўлган кундан бошлаб 30 кун ичида ёзма ариза билан мурожаат этиши шарт:

а) бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳамда ҳодиса жойи ва шароити ҳақидаги маълумот ичида бўлган ҳужжат (суд-тиббиёт, суд, тиббиёт экспертизаси маълумотномаси, тиббиёт муассасасидан олинган маълумотнома (195-форма шаклида) ёки касаллик тарихидан нусха, суғурталанган шахснинг тиббиёт картасидаги ёзувларнинг нусхаси, лозим бўлганда);

б) меҳнатга лаёқатсизлик варағи, меҳнатга лаёқатсизликликни йўқотиш кўрсатилган ТМЭК маълумотномасининг нусхаси;

в) Суғурталанган шахс (наф олувчи)нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

г) Н-1 шаклидаги далолатнома (ишлаб чиқаришдаги шикастланиш бўлса);

д) Суғурталанган шахснинг ўлими тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (ўлим ҳолатларида).

7. Суғурта полисининг 1-бандида кўрсатилган суғурта воқеаси содир бўлганда, тўланадиган суғурта товонининг миқдори 2017 йил 01 майда Суғурталовчи томонидан тасдиқланган “Суғурталанган шахсларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш Жадвали”га биноан суғурта пулига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади.

8. Суғурта тўлови суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс, наф олувчи) томонидан бахтсиз ҳодиса бўйича 6-бандда белгиланган барча ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг тузилган Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномага мувофиқ 15 кун ичида суғурта қилдирувчининг ҳисоб рақамига (суғурталанган шахснинг шахсий ҳисоб рақамига) пул ўтказиб бериш йўли билан тўлаб берилади.

9. Мазкур Суғурта полисидан ёки унга боғлиқ масалалардан, шунингдек унинг ижроси, бузилиши, тугатилиши ёки ҳақиқий эмас деб ҳисобланишидан келиб чиққан низолар, талаблар ёки келишмовчиликларни ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда улар амалдаги шартномавий муносабатларга оид қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

*Суғурта қилдирувчи юридик шахс бўлган тақдирда, унинг имзоси ушбу Суғурта полисида қўйилиши шарт эмас. Ушбу Суғурта полиси Суғурта қилдирувчи юридик шахсларга суғурта шартлари тўғрисидаги шартномага асосан суғурта бадали тўлангандан кейин берилади.

Хизматлар лицензияланган.

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН ЭҲТИЁТ ШАРТ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА СУҒУРТА ПОЛИСИ БЛАНКАСИНИНГ ОЛД
ТОМОНИ

		СУҒУРТА ҲОДИСАСИ ЮЗ БЕРГАНДА КУЙИДАГИ МАНЗИЛ ВА ТЕЛЕФОНЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗ МУМКИН: Тошкент шаҳри, 100011, Шайхонтохур тумани, Навои кўчаси, 31 уй. Тел.: +998-78-113-00-07 email: info@insuranceon.uz	
БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН ЭҲТИЁТ ШАРТ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА СУҒУРТА ПОЛИСИ		Суғурта полиси берилган __ _____20__ йил	
серия UP №			
Суғурта қилдирувчи Страхователь			
Суғурталанган шахс	Фамилияси Иسمى Отасининг Иسمى / Фамилия Имя Отчество	Шахсий суғурта суммаси, сўм / Персональная страховая сумма, сум	
	1.	1.	
	2.	2.	
	3.	3.	
	4.	4.	
	5.	5.	
Наф олувчилар	1. 2.		
Суғурта муддати	20__ йил «__» _____дан 20__ йил «__» _____гача		
Умумий суғурта суммаси	_____ (рақам ва сўз билан)		
Суғурта мукофоти	_____ (рақам ва сўз билан)		
Суғурта шартлари ушбу Суғурта полисининг орқа тарафида баён этилган. Суғурта бадалини тўлаш билан, ушбу Суғурта полисини Суғурта қилдирувчи томонидан қабул қилиниши, унинг суғурта шартларини қабул қилганлигини тасдиқлайди.			
Суғурталовчи номидан		Суғурта қилдирувчи номидан	
_____		_____	
Ф.И.О., имзо м.ў. / подпись, м.п.		Ф.И.О., имзо м.ў. / подпись, м.п.	

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН ЭҲТИЁТ ШАРТ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА СУҒУРТА ПОЛИСИ БЛАНКАСИНИНГ ОРҚА ТОМОНИ

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН ЭҲТИЁТ ШАРТ СУҒУРТАЛАШ ШАРТЛАРИ

1. Мазкур Суғурта полисига мувофиқ, Суғурталанган шахс, бахтсиз ҳодисадан, яъни унинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда бехосдан, қисқа вақт ичида ташқаридан инсон танасига таъсир этиб шикастловчи, баъзи хасталикка ва (ёки) ўлимга олиб келувчи ҳодисалардан суғурталанган ҳисобланади. Суғурта полисида шартлашилган ва қуйидаги оқибатларга олиб келган бахтсиз ҳодисалар суғурта ҳодисалари сифатида тан олинади:

- Суғурталанган шахснинг шикастланиши ва/ёки соғлиғининг издан чиқиши;
- Суғурталанган шахснинг меҳнат қобилияти вақтинча йўқотилиши;
- Суғурталанган шахснинг қаттиқ шикастланиши (ногиронлик);
- Суғурталанган шахснинг ўлими.

2. Мазкур Суғурта полисининг 1-бандида келтирилган ҳодисалар қуйидаги ҳолларда суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмайди:

2.1. Агар улар қуйидагиларнинг бевосита ёки билвосита натижасида рўй берган бўлса: а) ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилинган ёки эълон қилинмаганлигидан қатъи назар), террористик ҳаракатлар, фуқаролик уруши, инқилоб, қўзғолон ва ғалаёнлар, шунингдек ички тартибсизликлар (митинглар, қўзғолон, иш ташлаш, намойишлар); б) табиий фалокатлар, ядровий портлаш, ва ҳ.к.; в) ҳар қандай нопрофессионал ёки профессионал спорт ва спорт қуроллари ишлатиладиган ўйинлар билан шуғулланиш (машқ қилиш, кўргазмалар чиқишлар, йиғилишлар ва ҳоказолар) билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларда қатнашиш, турли учаш аппаратларидан фойдаланиш, парашютда сакраш, тоғ чанғиси ва альпинизм билан шуғулланиш, соғлиқ ва ҳаёт учун бевосита жуда хавфли бўлган бошқа тадбирларда қатнашиш.

2.2. Ёки қуйидаги сабабли рўй берган бўлса: а) эпидемия; б) бахтсиз ҳодиса вақтида суғурталанган шахснинг спиртли ичимлик, наркотик ёки токсик моддалар таъсиридан маст ҳолатда бўлганлиги, транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарганлиги ёки спиртли ичимлик, наркотик ёки токсик моддалар таъсида маст ҳолатда бўлган шахсга транспорт воситасини берганлигини; в) ўз жонига қасд ёки суиқасд қилганлиги; г) суғурталанган шахснинг ҳаракатлари (бу ҳаракатларда тергов органлари ёки суд томонидан атайлаб ҳуқуқбузарликка йўл қўйиш белгилари аниқланган бўлса); д) майда безорилик ёки муштлишиш (агар суд ёки тергов органи қарорига кўра суғурталанган шахс унинг ташаббускори бўлганлиги аниқланган бўлса); суғурталанган шахснинг фуқаролик бурчини бажариши, ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, ор-номусини ва обрўсини ҳимоя қилиши билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан можаро бундан мустасно); е) жароҳат асоратларини даволаш билан боғлиқ бўлмаган ташхис, даволаш ва профилактика (дориларни инъекцияси билан бирга) тадбирларининг салбий оқибатлари; ж) техника хавфсизлиги меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва саноат санитария меъёрларини қўпол бузилиши; з) Суғурта полиси берилган вақтда суғурталанган шахсда мавжуд бўлган юрак-қон томир тизими, диабет ва асаб касалликларининг зўрайиши ёки ҳужум қилиши; и) инфаркт (инфаркт ҳеч қачон бахтсиз ҳодисанинг натижаси деб ҳисобланмайди).

3. Шунингдек, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс (наф олувчи) қуйидаги ҳаракатларни содир этганида суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди ва у бўйича тўловлар амалга оширилмайди: а) бахтсиз ҳодиса юз берганлиги ҳақида хабар суғурталовчига ўз вақтида етказилмаса; б) суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини ҳамда унинг оқибати билан ҳодиса ўртасида сабабий боғланишни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотлар тақдим этилмаса, ёки атайлаб ёлгон далиллар тақдим этилса; в) суғурталовчига ваколатли бўлган шифокор экспертнинг жабрланган шахсни кўздан кечириши учун имконият яратиш чоралари кўрилмаса.

4. Барча турдаги касалликлар, жумладан юқумли касалликлар (ВИЧ-инфекция, СПИД, ҳар қандай тери ва таносил касалликлари), шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини ёки доривор препаратларни истеъмол қилиш натижасида юзага келган ҳасталиклар бахтсиз ҳодиса деб ҳисобланмайди.

5. Суғурталовчининг мажбурият чегараси суғурта пули миқдорида белгиланади.

6. Суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи, суғурталанган шахснинг соғлиғига бахтсиз ҳодиса натижасида зарар етказган ҳолларда суғурталовчига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этган ҳолда, воқеа содир бўлган кундан бошлаб 30 кун ичида ёзма ариза билан мурожаат этиши шарт: а) бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳамда ҳодиса жойи ва шароити ҳақидаги маълумот ичида бўлган ҳужжат (суд-тиббийот, суд, тиббийот экспертизаси маълумотномаси, тиббийот муассасасидан олинган маълумотнома (195-форма шаклида) ёки касаллик тарихидан нусха, суғурталанган шахснинг тиббийот картасидаги ёзувларнинг нусхаси, керакли пайтда); б) меҳнатга лаёқатсизлик варағи, меҳнатга лаёқатсизликликни йўқотиш кўрсатилган ТМЭК маълумотномасининг нусхаси; в) Суғурталанган шахс (наф олувчи)нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати; г) Н-1 шаклидаги далолатнома (ишлаб чиқаришдаги шикастланиш бўлса); д) Суғурталанган шахснинг ўлими тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (ўлим ҳолатларида).

7. Суғурта полисининг 1-бандида кўрсатилган суғурта воқеаси содир бўлганда, тўланадиган суғурта товонининг миқдори 2017 йил 01 майда Суғурталовчи томонидан тасдиқланган "Суғурталанган шахсларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш Жадвали"га биноан суғурта пулига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади.

8. Суғурта тўлови суғурта қилдирувчи (суғурталанувчи шахс, наф олувчи) томонидан бахтсиз ҳодиса бўйича 6-бандда белгиланган барча ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг тузилган Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномага мувофиқ 15 кун ичида суғурта қилдирувчининг ҳисоб рақамига (суғурталанган шахснинг шахсий ҳисоб рақамига) пул ўтказиб бериш йўли билан тўлаб берилади.

9. Мазкур Суғурта полисидан ёки унга боғлиқ масалалардан, шунингдек унинг ижроси, бузилиши, тугатилиши ёки ҳақиқий эмас деб ҳисобланишидан келиб чиққан низолар, талаблар ёки келишмовчиликларни ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда улар амалдаги шартномавий муносабатларга оид қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

* Суғурта қилдирувчи юридик шахс бўлган тақдирда, унинг имзоси ушбу Полисда қўйилиши шарт эмас. Ушбу Полис Суғурта қилдирувчи юридик шахсларга суғурта шартлари тўғрисидаги шартномага асосан суғурта бадали тўлангандан кейин берилади.

Хизматлар лицензияланган.

СУҒУРТА ҲОДИСАСИ ЮЗ БЕРГАНДА ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛ ВА ТЕЛЕФОНЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗ МУМКИН: Тошкент шаҳри, 100011, Шайхонтохур тумани, Навои кўчаси, 31 уй. Тел.: +998-78-113-00-07 email: info@insuranceon.uz